

## ЖАМОЛИДДИН ИБНИ ХИШОМ АЛ-АНСОРИЙНИНГ ХАЕТИ ВА ИЛМИЙ ФАОЛИЯТИ

*Абдушукуров Икром  
Имом Бухорий номидаги Тошкент  
Ислом Институти талабаси*

Ибн Ҳишомроҳматуллоҳи алайҳ атрофидаги кўзга кўринган бир қанча уламоларни ортда қолдирган, илмда юксак даражага эришган олимлар қаторидан жой олган, илм майдонларида ҳолдан тоймайдиган бир қанча уламоларни тинкасини қуритган тақводор ва солих Абу Муҳаммад Абдуллоҳ Жамалуддин ибн Юсуф ибн Аҳмад ибн Абдуллоҳ ибн Ҳишом ал-Ансорий ал-Мисрийдир.

Араб тили грамматикаси имомларидан Имом Абу Муҳаммад Абдуллоҳ Жамолиддин ибн Юсуф ибн Аҳмад ибн Абдуллоҳ ибн Ҳишом ал-Ансорий Мисрий ҳижрий 708-йили зул-қаъда ойида, (милодий 1309-йил) Қоҳира шаҳрида таваллуд топган. Ёшлигиданоқ у ерда илм ва олимларга муҳаббат қўйиб катта бўлган. Уларнинг жуда кўпларидан илм ўргангандар. Баъзи адаб ва фозиллардан ҳам дарс олган.

Устозлари: Абдуллатиф ибн Марҳал, Ибн Сирож, Зуҳайр ибн Абу Сулма ал-Музаний, Ат-Таж Табризийнинг дарсларига ҳам қатнашганлар. Бу зот ўзи хоҳлаган мақсадини осон ва тушунарли ҳолда ифода этиб берадиган, гапни керакли ўрнида ишлата билиш малакасига эга бўлганлар. Шундоқ бўлса-да, жуда ҳам тавозели, хулқ атвори чиройли, шафқатли ва қалби юмшоқ инсон бўлганлар.

“Дурагул камина”[1] асари муаллифи ибн Ҳишомни ўз асрининг энг яхши кишилари, ўша даврнинг энг машҳур олимларидан илм ўрганганини ва уларга шогирд бўлганини таъкидлайди. Ибн Сирож[2], Абу Ҳайён[3], Тож Табризий[4], Тож Фокиҳоний[5], Шиҳоб ибн Мураҳҳал[6], ибн Жамоа[7]лар шулар жумласидандир.

Ибн Ҳишом тақводор олим ва мазҳабда шофеий бўлганлар. Умрларининг охирида ҳанбалий мазҳабини тутганлари манбааларда зикр қилинган. Ибн Ҳишом дини, иффати, чиройли сийрати, илм талабидаги сабри билан бирга, камтарлиги, яхшиликсевар экани, шафқатли, чиройли хулқли ва юмшоқ қалбли экани билан ажралиб туради[8].

Ибн Ҳишом араб тили, айникса, нахвда мутахассис эди. Бу борада унда истедод, қобилият мавжуд бўлган. Шу сабаб, ўз асрининг олимлари ва устозларидан ҳам ўзиб кетган. Унинг, айникса, икки китоби кўпчиликда катта қизиқиши ўйғотди: “Муғний ал-лабиб ан кутубил аъарийб”, ҳамда “Авдоҳул масалик ила Алфияти ибн Малик”.

Ибн Ҳишомнинг шон-шухрати фақат Мисрнинг ўзида эмас, балки бутун дунёда машҳур бўлди. Олим ва ёзувчилар у ҳакида: “У ҳаётлик вақтидаёк машҳур бўлди ва халқ уни чиройли қабул қилди”[9], деб таъкидлаганлар. “Дурагул камина” соҳиби ибн Холдундан нақл қилиб айтадики: “Биз Мағрибда туриб эшиттикки, Мисрда бир араб олим пайдо бўлибди, уни Ибн Ҳишом дер эканлар. Наҳвда Сибавайҳдан ҳам билимлироқ экан”. У киши бир эмас, бир нечта илмларни пухта эгаллаган. Унинг фатонат ва заковати, зийраклиги, айниқса, ёдлаб олиш қобилияти жуда кучли бўлган. Ҳаттоқи, вафотларидан беш йил аввал, “Мухтасарул Ҳарқий” китобини тўрт ойдан кам муддатда ёдлаб олганлари зикр қилинган.

У кишига мансуб қўйидаги китоблар ўрганиб чиқилган:

“Ал-эъроб аън қоваидил эъроб”. Астана ва Мисрда нашр этилган. Шайх Холид ал-Азҳарий ушбу китобга шарҳ ёзган. Ҳамда, Алоуддин Атийя томонидан таҳқиқ қилинган нашри ҳам Дамашқда чоп этилган. “Алғоз”. У наҳвий масалаларга бағишлиланган китоб бўлиб, уни Султон Комил Муҳаммад ибн Одил учун тасниф қилган. Ушбу китоб Мирсда нашр этилган. “Авдоҳул масалик ила Алфияти ибн Малик”. Китобнинг номидан ҳам кўриниб турибдики, у Имом ибн Моликнинг “Алфиятун наҳв” асарига ёзилган шарҳдир. “Шузуруз заҳаб фи маърифати каламил ароб”. Ушбу китоб наҳв илми борасидаги муҳтасар (матн) китобдир. Ибн Ҳишом бу китобини муқаддима ва турли фаслларни ўз ичига оладиган ўн тўртта боб қилиб тасниф этган. Ушбу китобга кўплаб шарҳлар ёзилган бўлиб, бизгача улардан ўнтаси етиб келган. Унга ёзилган ҳошиялардан эса тўққизтаси маълум. “Шарҳи шузуриз заҳаб фи маърифати каламил ароб”. Ушбу китоб муаллифнинг ўзи ёзган “Шурузуз заҳаб” китобига қилган ўзининг шархи. Китоб наҳвий масала ва хукмларни, наҳв олимларининг сўзларини, мисоллар ва далилларни ўз ичига олади. Унда муаллиф наҳвий масалаларни “Қотрун нада ва баллус сода” китобига ўхшаш суратда келтирган. Ушбу китоб ҳам бир неча бор чоп этилган бўлиб, улардан энг машҳур нусхаси Муҳаммад Муҳийиддин Абдулҳамид таҳқиқи билан чоп этилганидир. “ат-Тазкира”. Имом Суютий ушбу китобни ўн беш жуздан иборат эканини айтган. Шайх Ёсин Алиймий ўзининг кўплаб наҳв китобларига ёзган ҳошияларида ушбу китобдан иқтибослар келтирган. Шиҳоб Хофажий ҳам ўзининг “Насиймур риёд” китобида ибн Ҳишомнинг “ат-Тазкира”сидан иқтибоскелтирган.

“ат-Тахсил ват тафсил ликитабит тазйил ват такмийл”. Ушбу китоб ҳам бир неча жуздан иборатдир.

“Ал-жомеус соғийр”. У ҳакида Имом Суютий ўз фикрларини билдирганлар. Ушбу китобни Париж кутубхонасидан топиш мумкин.

“Ал-жомеул қабир”. Буни ҳам Суютий зикр қилғанлар. “Шархул бурда”. Ушбу китоб Каъб ибн Зухайрнинг “Ал-бурда” асарига ибн Ҳишом ал-Ансорий томонидан ёзилган шарҳдир. “Ал-бурда” китобининг асл номи “Бант суад” дир. У эллик тўққиз байттан иборат бўлган. Китобда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мадҳ этилган ва у кишидан кечирим сўралган.

“Шарху қотрин нада ва баллис сода”. Бу муаллиф ўзининг “Қотрун нада ва баллус сода” асаридаги мураккаб лафзларни шарҳ этиб ёзган асаридир. Ушбу асар ҳам бир неча маротаба нашр этилган бўлиб, унинг ҳам энг машҳур таҳқики Муҳаммад Муҳиййиддин Абдулҳамид томонидан қилинган ва нашр этилган. Ушбу китоб нахвий бобларнинг баён этилишига кўра “Шузуруз заҳаб” китобига ўхшаш бўлса-да, унга қараганда қисқароқ, ҳамда ўрта босқич талаба ва ўқитувчилари учун мосроқ услубда битилгандир. У калима ҳақидаги мавзу билан бошланиб, васлий ҳамза мавзуси билан якунланади.

“Қотрун нада ва баллус сода” асарига яна бир нечта шарҳлар ёзилган. Масалан, Фокиҳий[10]нинг “Мужийбун нида ила шарҳи қотрин нада” асари, ҳамда, Хотиб Ширбиний[11]нинг “Муғийсун нида” асаридир.

“Шарху қотрин нада ба баллис сода” асарига бир нечта ҳошиялар ҳам битилган.

“Шархул ламҳа ли аби Ҳайянил Андалусий”[12]. “Муғний ал-лабиб ан кутубил аъарийб”. Ушбу китоб нахв борасидаги ўзига хос, мисли кўрилмаган малумотларга бой, муаллифнинг энг машҳур китоблариданdir. Ушбу китобда, ибн Ҳишом нахвий масалалар бўйича ўз фикрларини билдириб, уларга Қуръоний ва шеърий далилларни ҳам келтирган.

Китобни бир қанча олимлар таҳқиқ қилғанлар. Жумладан, Муҳаммад Муҳиййиддин Абдулҳамид, Др. Мазон Муборак ва Али Ҳамдуллоҳ[13], Др. Абдуллатиф Муҳаммад Хотиб[14], Фахриддин Қубова каби олимлар таҳқиқ қилған. Ҳамда, Др. Солиҳ Абдулазим Шоир[15] ҳам ушбу китобни тадқиқ қилған.

Ибн Ҳишом ал-Ансорий 761-ҳижрий санада, милодий 1360-йили 5-зул қаъда жума кечаси вафот этган.

Ибн Ҳишом ҳақида Шайхул ислом Аллома ибн Ҳажсар ал-Асқалоний шундай деган: “Ибн Ҳишом нодир фоидалари, дақиқ баҳслари, ажиб хulosалари, тўлиқ таҳқиқлари, юқори даражали билими, ҳамда, камтарлиги, яхшиликсевар экани, раҳм-шафқатли, хуш хулқли ва юмшоқ қалбли экани билан ажralиб турар эди”.

Хулоса қилиб айтиладиган бўлса, ушбу мақолада ибн Ҳишом ал-Ансорийнинг араб тилшунослигига қўшган ҳиссаси мисли кўрилмаган даражада улкан эканини ҳис қилиш мумкин. у ёзган асарлари, унда баён этган фикр ва

қарашлари бошқа күплаб нахв уламоларини ҳам ҳайратга солған. Ибн Холдун айтганидек ибн Ҳишом нахвда Сибавайх билан бир мақомдадир.

[1] Ибн Ҳажар. “Дурагул камина”. Ҳайдаробод, 1348 ҳ. Б. 2:308-310

[2] Ибн Сирож: Мұхаммад ибн Аҳмад Абу Абдуллоҳ ас-Сирож Дамашкий.

Нахвий олим. 668-хижрий санада таваллуд топған ва 743-хижрийда вафот этган.

[3] Абу Ҳайён: Мұхаммад ибн Юсуф, Асируддин Ғорнатий. Ўз асрининг нахв, луғат, ҳадис ва адабиёт фанлари олими. Тафсирга оид “Бахрул мұхит” асари машҳур. Ҳижрий 745-санада вафот эфған.

[4] Тож Табризий: Али ибн Абдуллоҳ Ардбийлий Табризий. Бир неча илмларни пухта әгаллаган тақводор олим. Ҳижрий 746-санада вафот этган.

[5] Тож Фокиҳоний: Умар ибн Али ибн Солим ибн Сидқа Лахмий Искандарий. Нахвга оид “Шархул умда”, ал-Ишаро” ва бошқа бир қанча китоблари бор. 731-хижрий санада вафот этганлар.

[6] Шихоб ибн Мураҳҳал: Абдуллатиф ибн Абдулазиз.

[7] Ибн Жамоа: Бадриддин Мұхаммад. Ҳижрий 733-санада вафот этган.

[8] «Бұғятул вуот”. Б. 2/69.

[9] «Бұғятул вуот”. Б. 2/69.

[10] Фокиҳий. Вафоти 972-хижрий сана.

[11] Хотиб Ширбиний. Вафоти 977-хижрий сана.

[12] Абу Ҳайён: Аллома Мұхаммад ибн Юсуф ибн Алий ибн Юсуф ибн Ҳайён Асируддин Абу Ҳайён Ғорнатий Андалусий Жиёний Нафзий. Ҳижрий 654-745-йиллар.

[13] Дамашқдаги “Дарул фикр” матбаасида чоп этилған.

[14] Қувайтдаги араб мероси, адабиёти, фани ва маданияти миллий мажлиси.

[15] Қохирадаги адабиёт мактабасида нашр этилған.